

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНЫЙ ИМПУЛЬС



Последние
новости

Последние
образование

Последние
исследование

И НОВЫЕ НАУКИ



Международный современный научно-практический журнал

Научный импульс

№ 30 (100)
Февраля 2025 г.

Часть 1

Издаётся с августа 2022 года

Москва 2025

“GIPERGLIKEMIYA SHAROITIDA TERI YALLIG‘LANISHLARIDA RUX OKSIDINING REGENERATSIYAVIY TASIRI” Raximov Sadriddin Faxriddin o`g`li, Rasulova Vasila Botirovna	366
JINOYAT PROTSESSUAL HUQUQIDA ISHNI SUDGA QADAR YURITISH SHAKLLARI Temirov Shohjahon Boyg’un O’g’li	369
JINOIY SUD ISHLARINI YURITISH SOHASIDAGI XALQARO HAMKORLIK Temirov Shohjahon Boyg’un O’g’li	376
JINOYAT PROTSESSUAL HUQUQI BO‘YICHA REABILITATSIYA ASOSLARI Temirov Shohjahon Boyg’un O’g’li	385
DASTLABKI TERGOV VA TERGOVGA TEGISHLILIK TUSHUNCHASI Temirov Shohjahon Boyg’un O’g’li	391
JINOYAT PROTSESSUAL HUQUQIDA SUD TERGOVI TUSHUNCHASI Temirov Shohjahon Boyg’un O’g’li	400
PROKUROR NAZORATI Temirov shohjahon Boyg’un o’g’li	407
DEVELOPING CRITICAL THINKING SKILLS OF UPPER-CLASS PUPILS IN ENGLISH CLASSES Amonova Mehrangiz Shavkatovna	412
“ТЕХНОЛОГИЯ ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШ Ахтамов Б.Р, Тошпулотов А.А	415
МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЯ ТЕМЫ «ТЕХНОЛОГИЯ ОБРАБОТКИ МАТЕРИАЛОВ» В ПРЕДМЕТЕ «ТЕХНОЛОГИЯ» УЧАЩИМСЯ 7 КЛАССА. Ахтамов Б.Р, Турсунов Х.Х	421
II-JAHON URUSHINING BOSHLANISHI VA O`ZBEKISTONGA TASIRI Erkinova Dildora Narimon qizi Abdirimova Gulnoza Nurmamedovna	426
AKADEMIK LITSEY O`QUVCHILARIDA KIMYO FANIDAN MASALAR YECHISHDA KREATIV FIKRLASH QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH. Mustafoqulova Mohira Aliqulovna	432
METAFORANING BOSHQA OBRAZLI TIL VOSITALARIDAN FARQI Jumayeva Umida Azamat qizi	436
SUPPORTING ELDERLY PEOPLE LIVING ALONE: A KEY ASPECT OF SOCIAL WORK] Soyibova Dilobarxon Qobiljon qizi	439
СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА КАК ИНОСТРАННОГО Лилия Сагдеева	443

“ТЕХНОЛОГИЯ” ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ БЕРИШ

*«Гелиофизика, қайта тикланувчи энергия
манбалари ва электроника» кафедраси ўқитувчиси*

Бухоро давлат университети

Ахтамов Б.Р

Бухоро давлат университети

«Технологик таълим» йўналиши 5-курс

талабаси

Тошпулотов А.А

Аннотация: Бугунги кунда технология фанининг ўқувчилар учун аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Фақатгина техник кўникмаларни ўзлаштириш эмас, балки иқтисодий билимларни ҳам шакллантириш зарурати долзарб масала бўлиб қолмоқда. "Технология" фани ўқувчиларни иқтисодий таълим ва тарбия бериш орқали уларни келажакда масъулиятли ва ҳисобли қарорлар қабул қилишга, ресурсларни самарали бошқаришга, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнларида ижтимоий масъулиятни ҳис қилишга ўргатади.

Аннотация к статье: Сегодня значимость технологических наук для студентов все больше возрастает. Необходимость развития не только технических навыков, но и экономических знаний остается актуальной проблемой. Наука «Технология» учит студентов принимать ответственные и взвешенные решения в будущем, эффективно управлять ресурсами и чувствовать социальную ответственность в процессах производства и потребления, обеспечивая экономическое образование и подготовку.

Бугун юртимиз турли жабҳаларида ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришилмоқда. Бу, албатта, ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар, яратилаётган имтиёз ва имкониятлар самарасидир. Қолаверса, мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ўзаро соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш масаласига ҳам муҳим аҳамият қаратилаётганлигини алоҳида эътиров этиш жоиз.

Чунки иқтисодиёт соҳасидаги тараққиёт мамлакатимизда инкилобий ўзгаришларга олиб келинмоқда. Бу инкилобий ўзгаришлар таълим соҳасини ҳам четлаб ўтмади.

Ўрта умумтаълим мактабларида барча фанлардан дарс ўтганда, уларда ДТС ва ўқув дастурларида кўрсатилган маълумотларни бериш билан бирга ўқувчиларга иқтисодий таълим ва тарбия бериш давр талабидир.

Бу масалада “Технология” фани муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу фанда ўқувчиларга дастлабки меҳнат кўникмалари ва малакалари ҳосил қилинади. Меҳнат жараёнида эса бирор буюм ёки маҳсулот яратилади.

Ҳар бир буюм ёки маҳсулотнинг яратилаши иқтисодий омиллар билан боғлиқ масалан, “Технология” фанининг “Ёғоч ва унга ишлов бериш технологияси” йўналишининг “Маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияси” бўлимида ёғочга турлича ишлов бериш жараёнларининг технологияси, дарс жараёнида швабра, ёғоч болға, рамка каби оддий дурадгорлик буюмларини яшаш тартиби, уларни пардозлаш каби ишлар ўргатилади. Ҳар қандай ёғоч

буюмларни тайёрлаш технологиясини қуйидаги жараёнлардан иборат деб қараш мумкин.

1. Ясаладиган буюм учун энг аввало технологик харита тайёрлаш.
2. Тайёрланадиган буюм учун ёғоч танлаш
3. Танланган ёғочдан керакли ўлчамдаги тайёрланмалар кесиб олиш.
4. Тайёрлангани керакли ўлчамга эга бўлгунга қадар рандалаш.
5. Буюмнинг бириктириладиган элементларида ўйиқлар, тешиқлар очиш ва тирноқлар чиқариш.
6. Тайёр элементларни ўзаро бириктириш, елимлаш, михлаш ва ҳоказо.
7. Тайёр бўлган буюмни пардозлаш буёқ суртиш.

Дарс давомида юқорида кўрсатилган жараёнларни амалга оширишда кетадиган маҳсулотларни ҳар бир операцияни амалга оширишда кетадиган вақтни (иш вақтини) аниқлашда ўқитувчи алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки булар итқисодий аҳамиятга эга бўлиб, кам маҳсулот сарфлаб сифатли товар ишлаб – чиқаришга, пировард натижада, иқтисодий самарадорликка эришишга олиб келади. Иқтисодий самарадорлик эса фойда, яъни пул билан ҳисобланади.

Юқорида баён қилинганларга асосан энди, 7 – синфда ўқитиладиган меҳнат дарсида “Ёғоч тўқмоқ яшаш” мавзусида дарс ўтишни кўриб чиқамиз.

Бу мавзуда дарс ўтаётганда энг аввало ёғочдан ясалган тўқмоқнинг вазифасини айтамиз, ўзини кўрсатамиз. Уни яшаш жараёнини кўрсатувчи технологик харитаси кўрсатилиб, ўқувчиларга барча жараёнлар, тўқмоқнинг ўлчамлари айтилади. Ёғоч тўқмоқлар ўқувчилар устахонада танишадиган дастлабки асбоблардан биридир.

Ёғоч тўқмоқнинг қўлланилиши соҳаси жуда кенг, улар юпқа лист металлга ишлов беришда ҳам, дурадгорлик ишларида ҳам (дастгоҳ ва рандаларни сошлашда, исканаларни ишлатишда, деталларни елимлаб бириктиришда ва ҳоказоларда) жуда керакли асбоб бўлиб ҳисобланади.

Тунокасоzлар ва дурадгорликлар ёғоч пластмассадан қилинган каллак шаклли ва катталиги ҳар хил бўлган тўқмоқлардан фойдаланадилар. Тўқмоқни тайёрлаш технологияси тушунтирилиб ўқувчиларга политехник таълим ва тарбия бериш мумкин. Шу билан бирга уларга қуйидаги ишларни бажариш йўли билан иқтисодий билимлар ва тарбия бериш мумкин.

1. Битта ёғоч тўқмоқ яшаш учун кетадиган материаллар миқдорини аниқлаш.
2. Кетадиган материалларнинг бозор баҳосидаги қийматини пулда ҳисоблаш.
3. Шу ишни бажариш учун берилиш лозим бўлган иш ҳаққи ва амортизация харажатларини ҳисоблаш ва тўқмоқларни таннаrxининг аниқлаш.

Юқоридагиларга асосан битта ёғоч тўқмоқнинг нарҳини ҳисоблаш учун қуйидагича калькуляция тузиш мумкин.

№	Сарфланадиган материаллар номи ва бирлиги	Ўлчо	Материаллар нарҳи (сўм)	Сарфланган материаллар		Илов
				Миқдори (м³)	Қиймати (сўм)	
1.	Қора қайин тахта	м³	50000	0.003	1500	
2.	Оқ қайин	м³	40000	0,002	800	
3.	Бурама мих	дона	30000	5	300	
4.	Ёғли лак	кг	40000	0,05	2000	
5.	Елим	кг	15000	0,02	300	
6.	Иш ҳақи ва амортизация	35%			1820	
7.	Жами харажат				7020	
8.	Сотувдаги нарҳи				10000	

Энди сарфланган тахталарнинг нарҳини ҳисоблаймиз. Қора қайин учун

$$П_{к.к.} = (V_{\text{каллак}} + V_{\text{начек}}) \cdot 5000000 = 300 \cdot 10^{-6} \cdot 5000.000 = 1500 \text{ сўм}$$

$$П_{о.к} = V_{\text{даста}} \cdot 2000.000 = 200 \cdot 10^{-6} \cdot 4000.000 = 800 \text{ сўм}$$

Ёғоч тўқмоқ учун сарфланган материалларнинг нарҳи 7020 сўм бўлиб, уни 35 фоизи тахминан 1820 сўмни ташкил қилади.

Агар ҳар бир технология фани ўқитувчиси юқорида кўрсатилган тартибда дарс жараёнида ясаладиган буюмларнинг тан нарҳини аниқлаш йўллари кўрсатиб, ҳисоблашларни ўқувчиларга уйга вазифа сифатида берса, уларнинг ҳам конструкторлик, ҳам иқтисодий қобилиятлари ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахтамов Баходир Рустамович, Муртазоев Азизбек Нусрат угли “Проект теплицы подогреваемой альтернативной энергией” Наука без границ 2017.- №7(12).Ст 32-35.

2. Тураев Акмал Атоевич, Ахтамов Б.Р. “Основные критерии полевого транзистора для многофункционального транзистора” Наука без границ 2017.- №6(11). Ст 99-102.
3. Akhtamov B.R., Murtazoyev “A.N. The training of qualified specialists in higher educational institutions with a technical bias” Путь науки Международный научный журнал, № 6 (52), 2018, Ст 17-19.
4. Ахтамов Баходир Рустамович, Муродова Зебинисо Каримовна “Проведение занятий по предмету Технология и дизайн с учётом индивидуальных особенностей студентов” Наука и образование сегодня
5. Atoeva M.F., Arabov J.O., Kobilov B.B. Innovative Pedagogical Technologies For Training The Course Of Physics.// Journal of Interdisciplinary Innovations and Research, (2020). 2(12), PP 82-91.
6. Asadovna, Fayziyeva Xolida. "FIZIKA O'QITISHDA MULTIMEDIA VOSITALARIDAN FOYDALANISH." *Ta'limda raqamli texnologiyalarni tadbiq etishning zamonaviy tendensiyalari va rivojlanish omillari* 27.1 (2024): 232-236.
7. Asadovna, Fayzieva Kholida. "USE OF MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN TEACHING PHYSICS." *World Bulletin of Social Sciences* 20 (2023): 30-34.
8. Arabov J.O., Fayziyeva X. A. General considerations on the methodology for solving problems in physics // *Gospodarka i Innowacje* (2022) №22, С 619-623.
9. Arabov J.O., Qosimov F.T. Hozirgi zamon fan va texnikasining rivojida yarimo'tkazgichlarning o'rni. // *Involta Scientific Journal*, 1(7). 2023/4/1. 134-138.
10. Arabov J.O., Sattorova G.H. Technique For Solving Problems in Mechanic // *Central Asian Journal Of Mathematical Theory And Computer Sciences* (2021) №2 (10), pp 37-42
11. ФАЙЗИЕВА У., ФАЙЗИЕВА Х. ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА // *Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.* – С. 40..
12. J Arabov. “Механика bo‘limi” ga doir masalalarni grafik usulda mathcad dasturi yordamida yechish metodikasi. // центр научных публикаций (buxdu. Uz), 2023
13. Arabov J.O. “Механика bo‘limi” ga doir mavzularni dasturiy ta’lim vositalari yordamida o‘qitish. // Центр научных публикаций. Том 7 № 7 (2021)
14. J.O. Arabov. Fizikadan ijodiy masalalarning turlari va ijodiy mashqlarning o‘quv jarayonidagi o‘rni. // *Involta Scientific Journal*, Vol. 2 No.9 December (2023). 38-46.
15. Arabov Jasur Olimboyevich. 7-sinfda fizikaning “Механика” bo‘limini o‘rganishning o‘ziga xos tomonlari va tutgan o‘rni. // *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, Том 11 № 6 (2023). 758-767
16. Ж.О. Арабов “Механика bo‘limi” ga doir mavzularni dasturiy ta’lim vositalari yordamida o‘qitish. // Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. 5. 2021.
17. Fayziyeva X. FIZIKA FANINI O'QITISHDA INNOVATSION